

Handwritten mark

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 1 (913)

2013-yil, 11-yanvar, juma

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

**ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ,
МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлигини ва мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибini мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

- Ахмедов Суннатилла Маматалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Кувватов Рустам Мамарасуллович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
- Кутлимуратов Илхам Мадиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари
- Нарзиев Акрамжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
- Пардаев Хусанали Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штабининг бошқарма бошлиғи
- Сайфудинов Зокиржон Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

«ДУՎՎՎՎ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ким Инесса Коминтерновна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра профессори

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

- Абдурахмонов Абдували Абдубақирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
- Кучкаров Музаффар Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи
- Кўчкаров Мухаммадjon Махмудович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари
- Норов Учқунжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири
- Раджабов Тимур Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Саидов Нуриддин Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Султонов Марат Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Умаров Бахронкул Суонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Озодлигимизнинг ишончли қалқони

Юртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилатган ҳозирги бир паллада ушбу сананинг тарихий илдизларини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида белгилаб олинди. Чунончи, 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди — мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва минтақада келиб чиқётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислох қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқишига йўл очди.

Таъкидлаш жоизки, Куролли Кучларимизни ислох қилиш унинг ҳуқуқий асосини яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиздаги ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришиш-

нинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Энг аввало, мамлакатимизнинг Бош қомусида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги белгилаб қўйилди. Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларимиз мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республика аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши мустаҳкамланди.

Истиқлол йилларида, шунингдек, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий

талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Чунончи, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги (1999 й.), "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги (2000 й.), "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги (2000 й.), "Мудофаа тўғрисида"ги (2001 й.), "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги (2002 й.) ва

Давоми 3-бетда >

Давоми 2-бетда >

Фракция ййғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг жорий йилдаги биринчи ййғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, мутоасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этган ййғилишда Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Инсон манфаатларига мос қонунлар

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси муҳокамасида

Депутатлар дастлаб "Силнинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қизгин муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил касаллиги дунё аҳолиси учун жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. 2009 йилда жаҳонда 9,4 миллион нафар сил ка-

саллигига чалинган беморлар аниқланган ва уларнинг 1,6 миллион нафарининг ўлими қайд этилган.

Республикамизда ҳозирги вақтда сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Қонун лойиҳаси бу борадаги мавжуд муаммоларни ечишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давоми 4-бетда >

Икки лейтенантнинг подполковник отаси

Таҳририят меҳмони

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, истеъфодаги подполковник Абдураззоқ Обрўев ижодкор сифатида кўпчиликка таниш. Адибнинг «Рухсат беринг, шер ўқийман», «Сев, авайла, асра Ўзбекистонни» каби қатор китоблари чоп этилган. Байрам арафасида Абдураззоқ ака билан ўтказган сўхбатимиз ўз-ўзидан ҳарбий мавзуга бориб тақалди.



— **Абдураззоқ ака, сиз фаолиятингизни журналист сифатида бошлагансиз. Кейинчалик ҳарбий соҳага ўтгансиз, шундайми?**

— Тўғри. Москва давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаганман. Бир неча йил ЎзАда, «Муштум» журналида ишлаганман. Мустақиллигимизнинг даст-

лабки йилларида Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига ҳарбий хизматга қақирдим. Устимга ҳарбий либос кийдим, елкамга юлдуз кўнди, офицер бўлдим.

Давоми 2-бетда >

ФАКТ ВА РАҚАМ

2013 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши дастури доирасида Ўзбекистонда 10 мингта уй барпо этилади.

Бухоро катта спорт байрамига мезбон

Маълумки, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган Универсиада баҳсларига бу йил Бухоро вилояти мезбонлик қилади. Шу муносабат билан вилоятда катта спорт байрамига қизгин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

8 >

Келгуси сонда:

ИННОВАЦИЯ

Ўзбекистонда Катта Қуёш қурилмаси: жаҳонда тенги йўқ ноёб энергетик иншоот

Эҳтиёт бўлинг:

ҚАБОҲАТ ТЎРИ

7 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давом. Бош 1-бетда

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Бадalbaев Хасан Махкамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Баймурзаев Даврон Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлигининг ўринбосари
Джурбаев Элбек Акрамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ йўриқчиси
Зоиров Алишер Турраевич — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири
Идрисов Жамшидjon Журакулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлигининг ёрдамчиси
Қабуллов Куанишбай Жалғашович — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили
Касимов Мирзокир Джурбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Маматқуллов Аббасхон Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари
Мансуров Шерали Маматқобилевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Менгноров Зиядулла Ашурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Мирзабаев Тўлқинбай Исраилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Мирзаев Абдулносир Назиржанович — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиги
Мирзаев Бобомурод Давранбаевич — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили
Мусаев Рахмонали Жумаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Омонов Жалолбек Нейматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Орипов Жасурбек Бегмуратович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари
Отохонов Абдулазиз Мусаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Охунгов Элмурод Мадаминович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси
Пардаев Раҳимиддин Нуруллоевич — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили
Расулов Азиз Чориевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Расулов Жалолиддин Орзикулович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиги

Расулов Шухрат Уткирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг бўлинма бошлиги
Сариев Улугбек Мавланович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби район бошлигининг ўринбосари
Сиддиков Рустам Хасанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Темиров Эркинjon Нормуродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командирининг ёрдамчиси
Тураев Алимардон Дусчанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта механиги
Турсунов Шерали Нарзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Улмасов Ганиjon Набижоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири
Формонов Обидjon Аҳмедович — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори
Хайтматов Жамолиддин Хақимович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлинма командири
Халилов Санжар Каршибаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Ходжаев Хурсандбек Шарипович — Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлинма командири
Ходжаев Эргаш Юлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ бошлиги
Холикулов Шерзод Шодиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Шорахимова Фирдавс Хақимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Эркабаев Акмалjon Джурбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири
Юнусов Ортик Вағиз ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Юсупов Бойбури Дусқобилевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Янгиев Аббор Поёнович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ мутахассиси
«СОДИК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Абдувалиев Низомиддин Мамаражабович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Аллаяров Отабек Равшанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Арипов Ризокул Сайиткулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма бошқарма бошлиги
Асатов Акбар Аҳромович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ бошлиги

Ахадов Акбар Арзиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
Ачилов Нурали Давранович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири
Байчаев Мурад Бахоралиевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси
Бегимкулов Одил Абдурашитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ командирининг ўринбосари
Бердиев Улаш Курбанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Бозоров Атамjon Салижоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта механиги
Ботиров Зайнобиддин Сербиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Гутарев Александр Семенович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлим бошлиги
Жиянбаев Ойбек Мусулманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Ибрагимов Ойбек Мирзаибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Иногамов Фахритдин Купаевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиги
Исамов Исмом Собирович — Наманган вилояти Қосонсой тумани ички ишлар бўлими ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиги
Қадиров Джамалиддин Жаббаркулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Каримов Азамат Очилбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Каримов Давронбек Ремимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиги
Қахрамонов Зариф Тўғлиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси
Мирзаев Мирағзам Ахатович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари
Миррахимов Мирали Махмуджоневич — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси
Намазов Олимjon Назарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
Ниязимбетов Содик Кенгашбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Нормурадов Абдуназар Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби йўриқчиси
Нуриддинов Фарход Сайфутдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Расулов Асрор Мирзахатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Рахимов Сарвар Сапарбоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси бўлим бошлигининг ўринбосари
Раҳманкулов Акмал Бердикулович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси кафедра бошлигининг ўринбосари

Солиев Нодир Нуридинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири
Сулаймонов Бехзод Боходиржоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлигининг ўринбосари
Тажибоев Дилшодбек Дилмуродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти гуруҳ командири
Темирханов Байрамбай Жолдасбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Тошев Одил Зойирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм взвод командири
Тўхтаев Алишер Хақимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Утаев Анвар Гуччиевич — Навоий ҳарбий прокурори
Халимов Тимур Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири
Хасанов Джамшед Абдуғафарович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби бош бошқарма бошлигининг ўринбосари
Хатамов Аҳрорjon Валижоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Хван Виктор Иванович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма участка бошлиги
Шакаримов Александр Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Эгамбердиев Дилшод Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси
Эшматов Азизбек Абдуқодирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта техниги
Эшонов Муродхўжа Аҳмадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Юлдашев Хайтjon Улмасжоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири
Юлдашев Шокирjon Юсуфжоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиги
Якубов Равшан Нуржанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлигининг ўринбосари
Ярцев Олег Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Абдураимова Шаҳидахон Мирджалилова — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти кафедра доцент
Атаджанова Лобар Шавкатбековна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиги
Аҳмедов Файзулло Шохобович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиги

Балашова Галина Абдурахмановна — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси кафедра мудири
Карпушев Рафаат Равильевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги
Клиновой Виталий Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси
Мамадалиев Жўракул — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг шифокор-жарроҳи
Мамаджанов Акмалjon Абдумуталович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта механиги
Матвеева Антонина Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Термиз ҳарбий госпиталининг бош ҳамшираси
Матякубов Расулбек Сабирович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси
Махсудов Бобир Эламонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Менгноров Абдимумин Усанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси
Мурзаев Баходир Сабирович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари
Нарзиев Михаил Вячеславович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири
Орзиев Собирjon Кузиевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси
Ризамухамедов Обид Тохирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Салихов Шовкат Санъатович — Давлат божхона кўмитасининг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси божхона текширувлари ва сурштирув бўлими бошлиги
Узақбаев Сафарали Турғунович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги
Хайдаров Альберт Каршиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Хақимов Бектош Холдорович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Халимов Мирзохид Зарипович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патрۇль-пост хизмати батальони отряд командири
Хашимова Динора Фазиловна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлигининг ўринбосари
Худойбергенов Дилшодjon Хусанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири
Хўжамуротов Анвар Ботирович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси хузуридаги «Қўриқлаш» бўлими бошлигининг ўринбосари
Юсубов Давлат Абдушарипович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2013 йил 10 январь

Икки лейтенантнинг подполковник отаси

Давом. Бош 1-бетда

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимизда Ватан ҳимоячиси деган касб пайдо бўлди. Мен Ватан ҳимоячилари сафидан бўлганимдан фахрланаман.
— Фарзандларингиз ҳам ҳарбий бўлишди. Офицер экан. Улар ўз ташаббуслари билан шу соҳани танлашганими?
— Болаларим ҳарбий либосимга ҳавас билан қарашарди. Катта бўлса ҳам уни уй ичида кийиб юришарди. Ешлигидан ҳарбий мавзудаги китобларни қизиқиш билан ўқишди, ҳарбий хабарга оид фильмларни севиб томоша қилишарди. Катта ўғлим Фаррух мактабни тамомлаган, мuddатли ҳарбий хизматга қақирилди. Хизматдан тавсиянома билан қайтди.

Ешлигидан спорт билан ошна эди, шу боис физкультура институтини танласа керак, деб ўйлаб юрардим. Бироқ ҳужжатларини Тошкент олий ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юртига топширдим. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди. Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қиляпти, ҳарбий унвони — катта лейтенант. Иккинчи ўғлим Бунёд ҳам акасининг изидан бориб, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган чоғида Тошкент олий ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Ҳозирда Чегара қўшинлари тизимида хизмат қиляпти. Ҳарбий унвони — лейтенант.
— Ҳарбий журналист сифатида

Куролли Кучларимизда амалга ошириладиган ислохотлардан ҳам яхши хабардорсиз. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.
— Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Куролли Кучларимизда муваффақиятли амалга оширилган ислохотлар боис айни чоғда миллий армиямиз сафларидан хизмат қилиш ҳақиқий шоншарафли ишга айланган. Йигитларимиз — қақирилувчилар мuddатли ҳарбий хизмат ўташни осонликча қўлга киритишмаяпти. Бунинг учун маракаб синовлардан ўтишмоқда. Ахир Ватан ҳимоячиси ҳам соғлом, ҳам чуқур билим ва юксак маънавият эгаси бўлиши шарт. Барча синовлардан муваффақиятли ўтган қақирилувчилар ота-оналари, қариндosh-уруғлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари

Булларнинг барчаси Куролли Кучларимизда ўтказилаётган ислохотлар самарасидир.
— Абдураззоқ ака. Социал-демократик гуяларга муносабатингиз ҳақида тўхталасангиз.
— Асосий шиори Эркинлик, Адолатлилик, Бирдамлик бўлган социал-демократик ҳаракатларни қадрлайман. Юртимизда бу умуминсоний тамойилларга миллий ўзига хосликларни уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритаётган «Адолат» СДПнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш юзасини илгари сураётганини яхши биланам. Бу гуялар мамлакатимизда тинч-

лик ва осойишталикни мустақамлашга, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамиятни барпо этишга хизмат қилади.
— Сизни ижодкор сифатида яхши биламиз. Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеърларингиздан бирини ўқиб берсангиз.
— Қанча хизмат бўлмасин оғир, Ҳамшидир чаққон ва моҳир. Ҳарбийларни деймиз биз ахир Амалдаги Ватанпарварлар. Биласилар кучга тўладир, Бир-бири-ла аҳил, жўрадир, Ўз постиди хушёр турадир, Амалдаги Ватанпарварлар. Муқаддасдир ота ва она, Муқаддасдир Ватан ягона, Қўриқлайди доим мардона Амалдаги Ватанпарварлар. Хизматига ҳиммат деб билар, Ҳар нарсдан қиммат деб билар, Тинчлик олий неъмат деб билар,

Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди

Озодлигимизнинг ишончли қалқони

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисидаги (2003 й.) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари Қуролли Кучлари миз ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидagi ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ равишда қабул қилинган қонунлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов томонидан имзоланган бир қатор Фармон ва Қарорлар ҳам армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди. Ушбу Фармон ва Қарорларда, айниқса, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва маиший шароитларни яратишга муҳим аҳамият берилди. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч қарра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далolat беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ташкил этиш тўғрисида»ги Қарориди мазкур кенгаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очик-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга қақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўмаклашиши алоҳида белгиланган.

Жамоатчилик кенгаши Низомида ушбу кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган орган сифатида қайд этилган. Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳал этиладиган асосий вазифалар жумласига мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бориладиган

Ушбу вазифаларга мувофиқ Жамоатчилик кенгаши томонидан олиб бориладиган ишлар жумласига:

— фуқаролар, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бориладиган давлат сиёсатида оид ташаббус ва мувожаатларини ўрганиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тақдим этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан фуқаролар, нодавлат ношароит ташкилотлари, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа турдаги институтлари орасида йўлга қўйилган ҳамкорлик шакллари ва усуллари таҳлил қилиш, ўз фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ва ушбу масалаларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

— мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг атрафлича ўрганиб чиқилишини ташкиллаштириш, бундай ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жамоатчилик томонидан муҳокама қилинишида иштирок этиш;

— қақирувга тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ва маънавий-маърифий тайёрликка бағишланган илмий-маърифий ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш ва такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислох қилишга доир, муайян тизимга солиниб амалга оширилаётган кенг қўламли

қаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, атоқли олим ва ижодкорлар, маданият ҳамда санъат намояндalари бор. Жамоатчилик кенгашининг низомидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, беш йўналиш бўйича комиссиялар ташкил этилди.


Масалан, комиссиялардан бири, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил этади. Яна бир комиссия соҳага тааллуқли айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши. Учинчи комиссия эса ҳарбий хизматчилар ва захирага бўшатишган фуқароларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи ва бешинчи комиссиялар маънавий-маърифий, ҳарбий спорт тadbирларини ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловди дастурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимиз келажаги, аҳолисининг маънавий ва моддий фаровонлиги йўлидаги масъулигини шакллантириш вазифалари алоҳида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан, биз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган янги тузилма — Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини қизгин қўллаб-қувватлаш билан

бирга ҳарбий бўлинма ва қисмларда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, юксак ахлоқ ва маданият сақлашнинг таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан олиб бориладиган фаолият самарадорлигини ошириш масалаларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар, юрт хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш масалаларига доир самарали тушунтириш ишлари олиб бориш каби Жамоатчилик кенгаши зиммасидаги муҳим вазифаларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Жамоатчилик кенгаши ҳозирда Президентимизнинг 2012 йил 14 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари кўни байрамига тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида январь ойида нишонланадиган байрамга катта тайёргарлик қўрмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида катта тантана билан нишонланадиган байрам тadbирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, миллий армиямиз сафлариди ўз бурчларини ўташ иштиёқини янада кучайтириши шубҳасиздир.

Қодир ЖУРАЕВ, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси



Тинч-тотув ҳаёт — обод турмуш кафолати

Мулоҳаза

Она Ватанин химоя қилиш ҳар бир фарзанд учун муқаддас йигитлик бурчи ҳисобланади. Бу шарафли ишга бутун вужуд, қалб, имон-эътиқод билан тайёр туриш, ҳаммиса сергак ва огоҳ бўлиш, замонавий ҳарбий ва техник билимларни пухта эгаллаш талаб этилади. Шу боисдан ҳам, фарзандларимизни халқимизнинг ўтмиш аждодлардан бизга мерос бўлиб келаётган эзгу фазилатлари — мардлик, матонат ва жасорат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган «Ватанга қасам» мажмуасида акс эттирилган фарзандига оқ фотиҳа бераётган мўстабар она тимсолида киндик қони тўкилган муқаддас заминни қўриқлаш, уни химоя қилиш нақадар улуг жасорат эканини тасаввур этиш мумкин. Зеро, Ватанин химоя қилиш — бу эл-юрт тинчлигини асраш, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини ривожини таъминлаш, халқимизнинг буюк келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият сафларидаги ўрни ва нуфузини ошириш деганидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбар, ёш авлодимиз маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий. Мен ҳаётда кўп бор ўз тасдиғини топган ҳақиқатан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин».

Мустақилликнинг дастлабки йилларидак мамлакатимизнинг ҳеч кимга дахл қилмайдиган, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасдан, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қиладиган тинчликсевар давлат эканлиги, давлатларaro чегараларнинг ўзгармаслиги принципини тан олиши расман эълон қилинди, бу мақсад Ўзбекистоннинг ташкилотида, ҳарбий қонунчилигимизда, миллий армиямиз олдига қўйилаётган вазифаларда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир таълим-аралаш

ишида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон очик, эркин демократик жамият барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакат сифатида дунё давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди, дунёда, минтақада ялли тинчликни сақлаш, қуролли можароларнинг олдини олиш, уруш харақатларини келтириб чиқарадиган мураккаб ҳолатларни манфаатдор томонлар иштирокида тинч йўл, яъни музокара олиб бориш, бир-бирларини тинглаш йўли билан ҳал этиш ишига ўзининг муносиб, амалий ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳар бир давлат ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун, энг аввало, миллий хавфсизлигини таъминлаши, ҳарбий хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини яратиши, яъни мудофаа қудратини мустаҳкамлаши, бунинг учун эса тегишли ислохотларни амалга ошириши зарур. Чунинчи, ҳарбий ислохотларнинг асосий мақсади ва йўналиши армиянинг қудрати фақат унинг жанговар тайёргарлиги, харақатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қанчалик даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдирини учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Бугун «оммавий маданият» нибоби остида маънавиятга, миллий қадриятларимизга қарши қаратилган ҳар қандай харақат эки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлиги, шу заминда яшаётган турли миллат ва элларнинг аҳил иноқлигига раҳна солувчи, ёшларни тўғри йўлдан адаштирувчи харақат, таҳдид эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Маънавий жиҳатдан заифлашган, хушёрлик ва озоқликка беғарам халқ эса

бундай хавф-хатар олдида ожиз бўлиб қолади. Нияти бузуқ кучлар ўз манфаатларига эришиш учун одамларнинг тинч-тотув ҳаётига раҳна солишдан, кутилмаган жойда фитнес, можаро чиқаришдан ҳам қайтмайдилар. Янада ачинарлиси, миллат ва элларнинг ўз келажагини ўзи белгилаш, миллий тараққиётга эришиш учун ўзига, халқига, узоқ йиллар, асрлар давомида шаклланган турмуш тарзига мос йўл танлаш ҳуқуқини унутиб қўядилар.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга кўп бор дуч келдик ва бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси шундаки, беғаровлик, атрофимизда, узоқ-яқин ҳудудларда кечаётган воқеа-ҳодисалар, мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар моҳиятини, «оммавий маданият» аслида нима эканлигини чуқур англамаслик натижасида халқнинг миллий илдизларини заифлаштиришга қаратилган уринишларнинг ҳаттоки иштирокчиси бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ватанин химоя қилиш мана шундай ҳолатларнинг асл маъно-моҳиятини тўғри тушуниш, беғаровликка, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик, ёшларни она Ватанга чекисиз муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, улар учун зарур шароитларни яратиш бериш дегани ҳамдир.

Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки қадамларида бошлаб, мамлакатимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислох қилиш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш баробарида ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжлари қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қанчалик даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдирини учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Ҳарбий хизмат давомида жанговар тайёргарлик борасида алоҳида натижаларга эришган, замонавий ҳарбий-техник воситаларни чуқур ўзлаштирган йигитларга олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлар жорий этилди. Ҳар йилнинг 14 январи мамлакатимизда умумхалқ байра-


ми сифатида нишонланадиган бўлди. Ота-оналар, опа-сингиллар мамлакатимиз қуролли кучларида хизмат қилаётган, эл-юрт тинчлигини сақлаётган ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Қузатувлар шундан далolat берадики, бир йиллик ҳарбий хизмат давомида йигитларимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи жиддий ўзгаради, улар харақатларида эл-юрт ишига садоқат, топширилган вазифага нисбатан масъуллиқ ҳисси кучаяди, соғлом, бақувват, бир неча замонавий касбларни яхши эгаллаган ҳолда оилага, маҳаллага қайтадилар. Ҳарбий хизмат муддати улар учун катта ҳаёт мактаби бўлиб қолаётгани жуда ҳам муҳим. Яна шу нарса маълумки, бундай йиллар нияти холис бўлмаган турли кучларнинг гаразли мақсадларига берилишмайди, уларни тўғри йўлдан чалғитиш қийин.

Бу йилги байрам яқунланган «Мустаҳкам оила йили»га мантқан уланиб кетган «Обод турмуш йили»да ўтмоқда. Халқимиз янги йилга ўзининг буюк келажагига ишончи янада ортаган, орзу-умидлари рўёбга чиқаётган, Ўзбекистоннинг эркин, демократик давлат сифатида халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамлашиб, онг-тафаккури шу, турмуш тарзимида муҳим ўзгаришлар юз бераётган, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз ошаётган бир шароитда қадам қўйди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун вазиятнинг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз халқаро сиёсатининг асосий принциплари ҳамда стратегик устувор йўналишларини белгилаб берди. Яъни Ўзбекистон мамлакатимиз ташкилотида ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаган ҳолда ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини химоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлади, ўз ҳудудида хоржиёт давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймайди, очик, изчил ва фаол таъкилоти сиёсат олиб боради.

Мамлакат сарҳадлари мустаҳкам, одамларнинг кўнгли хотиржам, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари авж олган, ҳамма нарса инсон манфаатларига йўғрилган жойда, шубҳасиз, миллий тараққиёт ривожланади. Шундай экан, ушбу йил ҳам, аввалги йиллар каби, истиклолимиз тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб қолиши шубҳасиз.

Худой МАМАТОВ, юридик фанлари доктори



давлт сиёсати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг муайян тизимга солинган мониторингини ташкиллаштириб, ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш, шунингдек, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминлаш; ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий таъминотини, яшаш ва хизмат ўташининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган Давлат дастурларининг ижросини комплекс равишда таҳлил қилиб, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби муаммоларни ҳал этиш қиради.

Партия ҳаёти

Инсон манфаатларига мос қонунлар

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси муҳокамасида

Давоми. Бош 1-бетда

Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси соҳага доир ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириш, сил билан касалланган беморлар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга йўналтириш, силга қарши курашиш соҳасида фаолият олиб борадиган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштиришдан иборат.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, фракция аъзоси:



— Ушбу қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Соҳага оид қонун қабул қилинганлигига ўн йилдан ортиқ вақт ўтди, сил касаллигининг эпидемиологияси ҳамда клиник кўринишларида кескин ўзгаришлар намён бўлди. «Сил»нинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига асосан сил касаллигига чалинган беморни мажбурий тартибда даволашни ташкил этиш, аҳолини Ушбу касалликдан ҳимоя қилиш, бу борада эпидемиологик ҳолатни яхшилаш билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштириляпти.

Бу эса бевосита партиямизнинг соғлиқни сақлаш йўналишида илгари сураётган гоялари билан ҳамохандир. Зеро, Ўзбекистон «Адолат» СДП аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини кучайтиришни дастурий мақсадларидан бири сифатида илгари суради.

Шунингдек, фракция аъзолари З.Ботирова, К.Ҳамидова ва А.Раҳмонов ушбу қонун лойиҳаси бўйича мутасадди вазирликлар вакилларига аниқлаштирувчи саволлар ҳамда қонун лойиҳасининг алоҳида нормаларини такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Депутатлар эътиборига ҳавола этилган «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти

шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида қабул қилинган.

Мавлуда НИШОНОВА, фракция аъзоси:



— Фармонда давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорининг, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигининг белгиланган муддатларда қисқартирилиши назарда тутилган.

Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.

зидентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилганлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур Фармон бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун максимал даражада қулай

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси орқали «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга молиявий ҳисобот таркибидан асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг чиқариб ташланишини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда.

Бу орқали Ўзбекистон Республикасининг бир қатор кодекс ва қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам инobatга олинапти.

Ўзбекистон «Адолат» СДП иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмийликни унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта иш-

лаш тарафдоридир. Шу боисдан мазкур қонун лойиҳаси партиямиз дастурий гояларига тўла мос келади ва уни бир овоздан маъқуллашимизга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, тақлиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг суд тартибини ўрнатилиши назарда тутилган.

Тақлиф этилаётган мазкур янгиланган болалар ва фарзандликка олишнинг ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга, фарзандликка олишнинг сир сақланиши кафолати кучайиши ва қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади ҳамда миллий анъаналар ва замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Ойша АХУНОВА, фракция аъзоси:



— Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилмоқда. Аммо болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқишда ҳоким кўпинча фарзандликка олувчилар билан учрашмаган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органилари тайёрлаган материаллар асосида қарор қабул қилмоқда. Бу фарзандликка олиш ҳақидаги қарорларнинг қонуний кафолатлари мустаҳкамлигига хизмат қилмайди. Тажриба шуни кўрсатдики, кўпгина давлатларда фарзандликка олиш фақат суд тартибиде амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилган алимент мазкур боланинг номига очилган банк ҳисоб варағида жамланиши ва унга вояга етганда тўлиниши тартиби назарда тутилган. Бу билан болалар тарбия муассасасини тамомлаган вояга етган битирувчи ўзининг янги ҳаётини бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағларга эга бўлади.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар бевосита Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида белгиланган мақсад-вазифаларга тўла мос келади. Зеро, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол қўмаклашишни мақсад қилиб қўйган.

Йўналишда, шунингдек, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш, уларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари нуктаи назарини ифода этиш бўйича тақлифларни билдирди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илҳос САХАТОВ, «Адолат» мухбири

Расмийлаштиришнинг электрон тизими



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги қарорига биноан 2013 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига ўз ихтиёрига қараб товарларни божхонада электрон шаклда

расмийлаштиришни амалга ошириш ҳуқуқи тақдим этилди.

Давлат божхона қўмитаси товарларни электрон шаклда расмийлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини (ТЭШРААТ) жорий этиш учун масъул қилиб белгиланди. Қўмита янги йил бошига келиб тизимни синовдан ўтказиш ишларини аяқлади. Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш процедураси иккита босқичдан иборат.

Товарларни божхона кўригидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган божхона ходими уч соат давомида божхона расмийлаштирувчи амалга оширувчи мутахассисга уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар ёзилган электрон хабарни юборади. Электрон декларацияда кўрсатилган маълумотлар божхона кўриги натижаларига мос келганида, кейинги расмийлаштириш ишлари оддий тартибда ўтказилади. Қонунбузарликлар аниқланганда, божхона органи қонунчиликда кўзда тутилган тегишли чораларни кўради.

Йўналишсиз таксилар учун янги қоидалар

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги берган маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда қонунчилик талабларига жавоб



берадиган 15 миңдан зиёд йўналишсиз такси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга, янги йилдан бошлаб таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлаш бўйича янги талаблар ҳам жорий этилди.

Энди ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш — транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Йўналишсиз таксилар учун янги қоидалар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда белгиланди. Янгиланган орасида кредит уюшмаларнинг тўлиқ бартараф этилишини қайд этиш мумкин. Энди Ўзбекистон қонун ҳужжатларидан «кредит уюшмалари» тушунчаси буткул йўқолади.

Ўқишни кўчириш, тиклашнинг янги тартиби

Вазирлар Маҳкамаси «Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг ўқишни кўчириш, тиклаш ва ўқувчиликдан чиқариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди.

Ўқувчиларнинг ўқишни кўчириш ва тиклаш, қоидага кўра, ёзги таътиллار даврида ва бепул амалга оширилади. Аризани 1 августдан 20 августга қадар тақдим этиш зарур. У ёки бу фан бўйича қонқарсиз баҳолар, ишлаб чиқариш ёки дипломолди амалиётини, курс ишини бажармаслик ўқувчиликдан чиқариб юбориш учун асос бўлмайди.

Куйи бўғиннинг юқори марралари

партия фаолларининг амалий ишларига боғлиқ

БПТ — партия негизи

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардаги вазифалар Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия куйи бўғинларида давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, бун партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашида амалга оширилётган ишлар мисолида кўриш мумкин. Тахтакўпир туман кенгашида ташкил этилган «Обод турмуш — фаровонлик кафолати» мавзудаги давра суҳбатида ҳам «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича эришилган натижалар чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вази-

фалардан келиб чиқиб, аллақачон янги йил учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга киришдик, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Ривож Отарбоев. — Тўғри, 2012 йилда фаолларимиз партиянинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инновацион иқтисодиётни ташкил этиш, муқобил энергияни ривожлантириш каби гояларини тарғиб этиш ҳамда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, зарур тақлиф ва тавсиялар беришда муайян натижаларга эришдилар. Бироқ Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар

моҳияти янги йилда фаолиятимиз сифатини янада юксалтиришни тақозо этади.

Зеро, 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, электорат манфаатларига доир қонун, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини

кенг тарғиб қилишда асосан, бошланғич ташкилотларга суяниш ва улар фаолигини кучайтириш лозимлигини кўрсатаяпти.

«Юртбошимиз маърузасида маҳаллага эътибор қаратиш, унинг ободлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бошланғич ташкилотлар эса айнан маҳалла-

ларда иш олиб боради. Демак, куйи бўғинга эътибор кучайтирилиши лозим.

Тадбирда, шунингдек, бошланғич ташкилотлар ва маҳалла кенгаш депутатларининг ўзаро алоқаларини яхшилаш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки айнан ана шу бўғин «Адолат» СДП учун жой-

лардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг индикатори вазифасини ўтайди. Зеро, оддий партия аъзоларининг БПТларга, бошқача айтганда, партияга ишончи айнан ана шу бўғинда шаклланади.

Қорақалпоғистон Республикасида партиянинг 14 та туман, 2 та шаҳар кенгаши ҳузурда 321 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Қўнғирот сода заводи қошида ташкил этилган БПТ партиянинг мақсадларини рўёбга чиқариш, унинг гояларини кенг омма орасида тарғиб қилиш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— 2009 йил заводимиз қошида бошланғич партия ташкилоти тузилган эди, — дейди БПТ раиси Тўлқин Нозимов. — Фаолларимиз партия дастурида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, турли тадбирлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ташкил этмоқда. Куйи ташкилот етакчиларининг бир жойга жам бўлишлари ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади, албатта.

— Бугунги кун талаби Ўзбекистон «Адолат» СДПни мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг янада фаол иштирокчиси бўлиш, ўз электоратининг

манфаатларини қонуний равишда ҳимоя қилишга ундамоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг «Аёллар қаноти» раиси Улбўлсин Сейитжанова. — Аёллар қаноти фаолиятини янада жонлантириш, аёллар ва ёшлар манфаатларини изчил ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинаётгани ҳам бежиз эмас.

Тадбирда таъкидланганидек, партия раҳбариятининг бошланғич партия ташкилоти фаолиятини таҳлил қилиш, ўрганиш ва аниқ вазифаларни белгилаш борасида олиб бораётган ишлари БПТлар фаолиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, давра суҳбати давомида партия дастурий гояларидан келиб чиқиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш масаласини янада таъминчан усуллар асосида тарғиб қилиш каби аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати



Фуқаролар ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этиш

уларнинг жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш ва шу орқали ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидандир

Маҳаллий Кенгашларда

Аҳоли мурожаатларига эътибор қаратиш ва шу орқали мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиш маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ҳаётини масала ва муаммолар ечимларини вақтида илғаш, умумий гаплардан амалий ишларга ўтиш, сайловчилар билан ҳамкорлик қилишнинг самарали тажрибаларидан фойдаланиш, қонун ва қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат этиш, айниқса, аҳамиятлидир.



Шу нукта назардан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган саноат-ҳаракатларнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка атрафлича тушунтириш сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилмоқда. Қолаверса, фуқаролар мурожаатларига эътибор қаратиш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, оилалар фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, айтиш жоизки, қўрилган самарани бераётди. Хусусан, ана шундай учрашувларда «Каттабоғ», «Сурхон соҳили» маҳаллалари ҳудуддан оқиб ўтадиган сув тармоқларини тозалаш, «Гулистон» маҳалласи кўчаларини ободонлаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Маҳалла оқсоқоллари, тадбиркорлар, фаол фуқаролар билан ҳамкорликда юз нафардан зиёд ҳашарда, ўндан зиёд техника воситалари сафарбар қилиниб, сув оқими йўлга қўйилди. Табиий газ тармоғини узайтириш муаммоси эса депутатлик сўрови натижасида ижобий ҳал этилди.

«Сиёсий саводхонлик — партиявий фаоллик асоси»

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан Урганч туман партия кенгаши фаоллари учун «Сиёсий саводхонлик — партиявий фаоллик асоси» мавзуда ўқув-семинари ташкил этилди.

Унда партия дастурий ғоя ва вазифаларини амалга оширишда фаолларнинг ўрни, «Мустаҳкам оила» йилида амалга оширилган ишлар ва «Обод турмуш» йилига мўлжалланаётган режалар, депутатнинг сайловчилар ва партия олдидаги ҳисоботи ҳамда ёшлар сиёсий маданияти шаклланишининг миллий ҳамда умуминсоний негизлари хусусида атрафлича сўз юритилди.

Орта қолган 2012 йил фаолиятимизда ўзига хос юксалишлар йили бўлди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Н.Эшметов. — Бунда, айниқса, Мамлакатимизда демокра-

тибига қўйилди. Маҳалла оқсоқоллари, тадбиркорлар, фаол фуқаролар билан ҳамкорликда юз нафардан зиёд ҳашарда, ўндан зиёд техника воситалари сафарбар қилиниб, сув оқими йўлга қўйилди. Табиий газ тармоғини узайтириш муаммоси эса депутатлик сўрови натижасида ижобий ҳал этилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги қувватлар барпо этиш орқали аҳолини иш билан таъминлашга мўлжалланган бандлик дастури ижросидаги фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Вилоят Кенгаши томонидан бу масалада

ҳар бир депутатга алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Айтиш жоизки, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан

қонунлар, Президентимиз Фармон ва Қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш борасида жойларда олиб борилган кенг қўламли ишлар қўрилган самарани берди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларимиз натижасида хусусий тадбиркорлар сафи янада кенгайдди. Ўз навбатида, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, хусусан, айланма маблағларини шакллантириш, технология сотиб олиш ёки қўшимча иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларини рўйбга чиқаришга молиявий муассасаларни жалб этган ҳолда кўмак бериш ҳам асосий мақсад-муддаомиздир. Хусусан, фуқаро Шавкат Назаровнинг кредит олишида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Халқ банк»нинг Термиз шаҳар бўлимига депутатлик сўрови билан чикилди. Натижада банк томонидан Ш.Назаровга 50 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги партияимиз дастурининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Шу маънода айтганда, бугунги кунда депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан амалга оширилаётган саноат-ҳаракатлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, оилалар фаровонлигини янада оширишга хизмат қилди, албатта. Зеро, фуқаролар ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш ва шу орқали ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидандир.

Бекмурод АШУРОВ,
Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари,
Термиз шаҳар партия кенгаши раиси

шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари зиммасига улкан масъулият юклаши, ёшлар эса жамиятимизнинг келажаги, барча интилишларимизнинг доимий давомчилари экани, шу боис ҳам ёшлар онгини миллийлигимиз асосида шакллантириш ҳар бир партия ходимининг бурчи экани таъкидланди. Жорий «Обод турмуш» йилида партия фаоллари олдида қўйилган вазифалар ва уларни ижро этиш юзасидан услубий тавсиялар берилди.

Семинар сўнггида Қўшқўпир, Шовот, Гулран туман кенгашларидаги «Ёш адолатчилар» қаноти фаолияти муҳокама қилинди, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўқув-семинарда Давлат дастуриларининг жойлардаги ижроси, партия ташкилотлари,



Тинч ва осойишта ҳаёт посбонлари

Семинар

Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ҳар қоричини кўз қорачиғидек асраш ҳар бир мард эрнинг бурчи саналади. Шу жиҳатдан, Миллий армиямизни барпо этиш масаласи давлат ва жамият қурлишининг ғоят муҳим, узвий бир қисми ҳамда жамиятда барқарорликни янада мустаҳкамловчи ва давлат хавфсизлигини таъминловчи куч ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда «Миллий армиямиз — тараққиётимиз ва обод турмушимиз кафолати» мавзусида ўтказилган семинарда ҳам сўз шу хусусда бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш, замонавий Куролли Кучларни барпо этиш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳамда соҳада қабул қилинган қонунлар ҳамда Президентимизнинг ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид қарорлари мазмун-моҳиятини тарғиб этиш семинарининг асосий мақсади бўлди.

Ҳар қандай мамлакатнинг ўз фуқароларини ҳимоя қилиши, чегараларини даҳисиз сақлай олиши давлатчиликнинг муҳим омилларидандир. Мустақиллик йилларида она Ўзбекистонимиз мана шундай фахрли макомга эга бўлди. Бугун юртимиз замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз даҳисизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясиз эга бўлди. Айнан истиқлол йилларида чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Куролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларига ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

нинг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Собир Турсунов. — Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юртлирида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мулақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраевнинг таъкидлашича, ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Куролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва исчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўламли ва маълумоти олиқлиги таъминлиги чикарилди.

Аввало, ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Конституцияимизнинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар би фуқаросининг бурчи эканлиги белгилаб қўйилди. Унда Куролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз

аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши мустаҳкамланди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимидаги ислохотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган бир қатор фармон ва қарорлар армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамолардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Семинарда фракция аъзолари Куролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёрлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириб бориш, ҳарбий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қўмондонлик ва сержантлар тарихи кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва маълумоти олиқлиги таъминлиги аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши мустаҳкамланди.

Феруз Жўраев,
Носир ҲАЙДАРОВ (фото)
«Адолат» мухбирлари

Сўраган эдингиз!

Метрода терминал ишламас...

Тошкент метрополитен хизматидан тез-тез фойдаланаман. Бироқ баъзи бекатларнинг жетон сотиш касасида терминал ҳар доим ҳам ишламайди. Шундай ҳолатда қайси идорага мурожаат қилиш керак? С.Бердиева

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1325-сонли Қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига манфаатдор давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилнинг 1 январига қадар чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини ҳисоб-китоб терминаллари билан тўлиқ жиҳозлаш вазифаси юклатилган.

Мазкур Қарорда ҳисоб-китоб терминаллари билан мажбурий тарзда жиҳозланадиган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати келтирилган. Ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат солиқ қўмитаси, ҳудудий солиқ бошқармалари ва Давлат солиқ инспекцияларида «Ишонч телефонлари» ташкил этилган.

Солиқ кодексининг 119-моддасида ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш қоидаларининг бузилиши бўйича энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, тўловларни терминаллар орқали қабул қилишни рад этиш бўйича энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан жарима солиш белгиланган. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари томонидан фуқароларнинг банк пластик картчаларини орқали тўловларни қабул қилишда, шу жумладан Тошкентдаги метро бекатларида пластик картча орқали жетон сотиб олишда учраётган муаммолар юзасидан жойлардаги Давлат солиқ хизмати органларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилиш тавсия этилади ва ўз ўрнида Давлат солиқ идоралари томонидан келиб тушган ҳар бир мурожаатлар ўрганиб чиқилиб тегишли чоралар қўрилган ҳолда муаллифларга ёзма равишда тегишли жавоблар берилади.

Рашид НАЗАРОВ
Назорат тартибидagi ва ҳисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

ННТ қаерда рўйхатга олинади ?

Оила аъзоларим ҳамда дўстларим билан биргаликда боқувчисини йўқотган нуруний отахон-онахонларни қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотини очилиш режалаштираялмиз. Бундай ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун қайси идорага мурожаат қилсак бўлади? Унинг мол-мулки қандай манбаларга асосан шакллантирилади? А.Соляев, Зарбдор тумани

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига асосан нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, Республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотини Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Мазкур қонуннинг 29-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир мартаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);
- қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ш.ШЕРНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Қўларининг 21 йиллиги
ҳамда 14 январь –
Ватан ҳимоячилари кuni*

*билан халқимизни ва мамлакатимиз мудофаа
қудратини оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган
Зобит ва аскарларимизни самимий табриклайди.*



**Кундалик фаолиятингизда
кўтаринкилик,
омад ҳамиша ёр бўлсин!**

Эҳтиёт бўлинг: қабоҳат тўри

“Адолат” шарҳи

Биз яшаб турган йигирма биринчи асрнинг ўзига хос хусусияти, шубҳасиз, ахборот оламининг глобаллашуви, илмий-техник тафаккурнинг бекиёс ривож, одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бераётгани ва шу каби муҳим бошқа омиллар билан бевосита боғлиқ. Бугун эрталаб олис қитъада юз берган воқеа-ҳодиса тафсилоти шу куннинг ўзида дунёнинг бошқа бир чеккасида етиб келади, телевидение бевосита намойиш этади, ахборот агентликлари қайта-қайта шарҳлайди. Бу воқеаларга муносабат билдирамиз, ўзимизча шарҳлаймиз, мунозарага киришиб кетамиз.

Ҳар бир аср ўз ихтиролари ва ҳайратланарли хуш-нохуш воқеа-ҳодисалари билан тарихга қиради. Бир вақтлар Англияда олимлар телефон аппарати ихтиро қилиб, бирор-бир маълумот ёки ахборотни бир-бирларига шу янги қурилма орқали етказиш имкониятини вужудга келтиришганида кўплар, шубҳасиз, хурсанд бўлишган. Аммо “кўча югурдак болалар билан тўла, айтадиган гапингизни қоғозга ёзиб, кўлига берсангиз, арзиманган пулга бир зумда айтган жойингизга зириллаб бориб етказиладиган” дея ажабланиб елка қисганлар ҳам бўлган экан.

Компьютер техникаси, интернет ҳаётига кириб келганида, гарчи ажабланмаган, елка қисмаган бўлсак-да, унинг ҳисобидан беадок, ҳадисиз-ҳудудсиз, ҳаёли-ҳаёисиз имкониятларини тўла тасаввур қилмаганмиз, унинг чоққина “миа”часига миллион-миллион саҳифа ахборот, рақам, ҳисобот, миш-мишлар ивғовлар, яна қанча айтиб, ёзиб бўлмайдиган нарсалар ҳам сизгиши, йиллар (балки асрлар) давомида хотирасида сақланган турли ҳаёлимизга келмаган. Бунинг боиси, интернет ўз имкониятлари билан инсониятни том маънода ҳайратга солди, тафаккур ўзгаришларини ўзгартирди, турмуш тарзига янгилик бўлиб кирди, қайси касбда бўлмайлик, ишимизнинг самардорлигини таъминлади, оғиримизни енгил қилди. Бир сўз билан айтганда, эндиликда кўпчилигимиз ўз ҳаётимизни, ўқиш, меҳнат ёки илмий фаолиятимизни бу буюк ихтиросиз тасаввур қила олмаймиз. Бугун одамлар интернетнинг беадок имкониятларидан фойдаланиб, дунёнинг машҳур музейларига сақланаётган ноёб санъат асарларини томоша қилишлари, ёшлар нуфузли олийгоҳларга имтиҳон топширишлари, тадқиқотчилар илмий маърузалар, диссертациялар ёзишлари, бундан ташқари олис қитъалардан бирида тузилган набира-си кулгоҳга алла айтиши мумкин. Интернет орқали савдотик қилинмоқда, шартномалар, битимлар, муҳим ҳужжатлар имзоланаётди. Бир-бирларини йўқотган оила аъзолари, дўст-қадрдонлар йўлдорлашмоқдалар. Уйда туриб, самолётга билет, санаторияга йўлланма олиш, супермаркетга ёки бошқа шаҳардаги меҳмонхонага буюртма бериш ҳеч гап бўлмай қолди.

Севишганлар бир-бирларига хат ёзишни компьютер зиммасига юклагани ва у бу ишни қўйилмақом қилиб бажармоқда. Бирок илмий тафаккурнинг мана шу “ҳосиласи” сабаб ҳаётимизга, онг-шууримизга сингаётган янгиликлар орасида миллий менталитетимизга, шарқона тарбиямизга одоб-ахлоқимизга мутлақо мос келмайдиган “қадрият”лар ҳам борки, уларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Бугун йигит-қизлар ёшликка хос соддалик ва қизиқиш билан қабул қилаётган, кўр-кўрона эргашаётган “янгича замонавий” одатларнинг айримлари замирида соғлом ният эмас, имон-этиқодни, миллий туйғунни, алал-

оқибат маънавий асосларни емирадиган кўзга кўринмас гоёвий “микроб”лар ҳам борлиги, таассуфки, кейинроқ маълум бўлади. Заҳарланган қалбни соғайтириш, йўл қўйилган хатоларни тузатиш, йўлдан адашганларни қайта тарбиялаш эса анча мураккаб кечеди.

Дунёнинг катта-кичик, ривожланган ёки энди-энди бу йўлга қираётган давлатларининг ҳам, худди одамларда ёзиб, кўлига берсангиз, арзиманган пулга бир зумда айтган жойингизга зириллаб бориб етказиладиган” дея ажабланиб елка қисганлар ҳам бўлган экан.

Бундай ҳаракатлар кўзга унча ташланмайдиган беозор ва ҳатто жозибали шаклларда олиб борилади. Ҳаётини тажрибаси етарли бўлмаган, турмушининг оғир синовларига дуч келмаган ёшлар бундай “жозибали”га маҳлиё бўлиб, ота-боболарига хос миллий-маънавий илдизлардан узоқлашиб қолганларини, бошқа қадриятларга, бошқача турмуш тарзига амал қила бошлаганларини сезмай ҳам қоладилар. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, “маънавий қуролсизланган” ва маънавий илдизлари заифлашган халқ энг оддий хавф-хатар олдига ҳам оғир бўлиб қолади”. Демакки, дунёнинг ўта ривожланган бой-бадавлат мамлакатлари ҳам ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, шахсий манфаатини кўзлар экан, янада хушёр ва оғир бўлишга тўғри келади. Негаки иқтисодий, ҳарбий тангликни сезиш осон, аммо мафқуравий танглик кўринмас офат, балоказога айланиб, халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади ва чуқур илдиз отади. Тарбия, одоб-ахлоқ, ўтмиш аж-додларга муносиб ворислик илдизларини емиради, онг-шуурни бузгунчи, мағзи пуч ҳою-ҳаваслар билан тўлдирди.

Ахборот оламининг глобаллашуви билан боғлиқ ижобий шарқона тарбиямизга одоб-ахлоқимизга мутлақо мос келмайдиган “қадрият”лар ҳам борки, уларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Бугун йигит-қизлар ёшликка хос соддалик ва қизиқиш билан қабул қилаётган, кўр-кўрона эргашаётган “янгича замонавий” одатларнинг айримлари замирида соғлом ният эмас, имон-этиқодни, миллий туйғунни, алал-



организмларни вужудга келтиришга қодир сунъий қурилмалар ихтиро қилиш устида ҳам бош қотирмоқдалар. Лекин бу ихтиролар келгусида нимага хизмат қилиши, ёшлар онги ва тафаккурига, одоби ва тарбиясига, Ватан, миллат олдидаги масъулиятига қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда. Халқ эртақлари тили билан айтадиган бўлсак, кўза ичида нима борлигини билган ҳолда, уни ташқарига қиқариб юборишга чоғланган ҳаракатлари ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон эркин, демократик давлат қуриш йўлини тутганига йигирма бир йил бўлди. Очқик эшиклардан хонага тоза ҳаво, ёқимли шабада билан бирига чанг-тутун ҳам кириб келганидек, зарур ахборотлар оқимига қўшилиб, “оммавий маданият” либосига бурқалган ҳолда турли компьютер ўйинлари, телешоу-томшалар, кино ва видеотасвир маҳсулотлари, моддий ва маънавий эҳтиёжни, аниқроғи тўқликка шўхлик майлларини

... дунёнинг ўта ривожланган бой-бадавлат мамлакатлари ҳам ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, шахсий манфаатини кўзлар экан, янада хушёр ва оғир бўлишга тўғри келади. Негаки иқтисодий, ҳарбий тангликни сезиш осон, аммо мафқуравий танглик кўринмас офат, балоказога айланиб, халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади ва чуқур илдиз отади. Тарбия, одоб-ахлоқ, ўтмиш аж-додларга муносиб ворислик илдизларини емиради, онг-шуурни бузгунчи, мағзи пуч ҳою-ҳаваслар билан тўлдирди.

қондирувчи янги хизмат турлари, жумладан, оммавий адабиёт — дунёни остин-устун қилиш, ҳаёт чироғини сундиришни йўл ва усуллари батафсил тасвирланган фантастик асарлар, қотиллик ва маънавий бузуқчиликни оқловчи, ошқора тарғиб қилувчи қисса ва романлар, ишқий кундалиқлар, фаҳш ишларнинг муфассал тафсилотлари, томошабинни руҳий мувозанатдан чиқарувчи жангари фильмлар, яқини одам ўлдириш, қон тўкиш билан тугайдиган қондасиз мусобақалар, оммавий янги “санъат” — инсониятнинг бебаҳо маънавий мулки бўлиб қолган машҳур “Мона Лиза” (“Жақонда”) типидagi тасвирий санъат асарларини таҳқирловчи янги “асар”лар, клиплар ҳам кириб келмоқдаки, бундай воситаларга бефарқ бўлиш асло мумкин эмас.

Фарба ва яқин-атрофларимизда шундай “асар”лар ҳам чоп этилмоқда, шундай фильмлар суратга олинмоқдаки, уларнинг қаҳрамонлари бўлмиш ёшлар бу дунёнинг жамми ахлоқий қадриятларини унутган ҳолда мутлақо эркин, мутлақо тийқисиз турмуш тар-

зини ўзларига шиор қилиб олиб, жаҳолат ва қабоҳат ботларига ботадилар. Бошқаларнинг инсоний туйғуларини таҳқирлаш, гурурини поймол этишдан лаззат топадилар. Бундай “асар”ларнинг муаллифлари ёш авлодни ягона бир мақсад йўлида қайта “тарбия” қилишга, улар характери ва дунёқарашини қайта қуришга жазм қилишган. Яъни инсон ва у яшаётган дунё мутлақо эркин бўлиши учун бугун амалда бўлган жамми қонда-қадриятлар, аёна ва урф-одатлардан воз кечиш, ҳамма нарсани ёппасига ўзгартириш, ишқий муносабатларда, оилада, бола тарбиясида, ота-она билан муомалада ҳеч бир нарсдан тийилмаслик, фақат ўз манфаатини ўйлаш, элим, юртим деб эмас, ўзим ва фақат ўзим деб яшаш ва бундан беадок завқ туйиш зарур. “Оммавий маданият” назари-компьютери бунга ҳатто асослаб ҳам берадилар — инсон бу ёрғу оламда мангу яшамас экан, унинг жамми хатти-ҳаракатлари эркин бўлиши, бирор-

ди ва қутилмаганда унга: “Йигитча, ошқозон оғригинг хали ҳам қолмабди-ку?”, деб мурожаат қилади. Йигит ҳайрон бўлиб, нотаниш киши кўрсатган жойга ўтиради ва улар узоқ суҳбатлашади. Натижа шу бўладики, нотаниш киши унга соғлиғини тиклаши, бу ҳаётда бахтли-саодатли бўлиши, омад қилиши қўлига қўндириши учун нималар қилиши, қандай китобларни ўқиши, кимларга эргашши зарурлигини маслаҳат беради ва шу ёрнинг ўзида суҳбатдошига бир неча даъват китобларни тутқазади...

Йигитча ўзини меҳрибон донишманд қилиб кўрсатган “маслаҳатчи”нинг айтганларини бениҳсон бажара бошлайди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай фикри, дунёқараши, ҳаётга, ота-онасига, дўст-қадрдонларига муносабати кескин ўзгаради. Ўқшдан кўнгли совийди, ҳамма нарсасига бефарқ бўлиб қолади. Ва ниҳоят, жиноят қўчасига қиради. Бундан англашиладиган хулоса шунки, зомбилар, камикадзелар, террор ижрочилари, энг аввало, мустақил ва эркин фикрлашдан маҳрум қилинган, ўзлигини бой бериб қўйган, имон-этиқодни сустлаштирилган кишилардир.

Келтирилган мисол, таассуфки, битта ўсмирнинг фожиаси эмас. Соддалик билан бундай “тўр”га илиниб қолаётган ёшлар, афсуски, оз эмас. Қўнда биров: “Сени оғир синовлар кутиб турибди, қани бу ёққа юр-чи, бўтам”, деса ишонч, унинг йўлига юриб кетавермаслик керак. Чунки нияти асосликдан йироқ кимсалар ҳосил ўзига ишонч суси, ўқиши ёки ишининг тайини йўқ, тўқима башоратлар таъсирини тушиб қолган ёшларни нишонга олишди.

Истиқлол халқимизнинг асрлар давомида шакланган миллий ва диний қадриятларига, беғубор ва самимий урф-одатларимизга қайта жон бахш этди, маънавий чашмаларнинг кўзларини очди. Энг муҳими, дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган улғу аж-додларимиз меросини ўрганиш, улардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Бундай ноёб меросга эга халқ ҳамма замонларда ҳам инсон ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммони оқилона ҳал этишда халоскор куч, йўлчи юлдуз бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Дунёнинг бугунги мураккаб, ўзгарувчан ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, ёш авлод онгини турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафқуралар таъсиридан сақлаш, миллатимизнинг эртаси бўлган азиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда бу мерос бизга ишончли ҳамкор бўла олади.

Австралияда ўрмон ёнғинлари

“Яшил қитъа”нинг аҳоли зич жойлашган ҳудуди — Янги жанубий Уэльсда юздан ортиқ ёнғин ўчоқлари пайдо бўлди. Ҳозирча қурбонлар ва талафот кўрганлар ҳақида маълумот йўқ, деб хабар беради Agence France-Presse.



Ҳафта бошидан бери бутун мамлакат бўйлаб ҳаво ҳарорати янги рекорд ўрнатди. Бу ерда ҳарорат 40,33 градусдан паст бўлмади. Аммо Янги жанубий Уэльснинг айрим қисмларида ҳарорат 45 даражага чикди. Кучли шамол эсиши ва қуруқ об-ҳаво ёнғин эҳтимоллини кучайтириши мумкинлиги сабабли штат бўйлаб гулхан ёқиш тақиқланди, миллий парклар ёпилди. Agence France-Presseнинг хабар беришича, Янги жанубий Уэльсда 130 га яқин ёнғин нуқталари пайдо бўлган, бироқ уларнинг 40 тасини бартараф этишнинг имкони топилмаган. Бундан ташқари, Викториа штатида ҳам хавфли об-ҳаво ҳарорати ҳужмрон. Афсуски, штатнинг Кентбрук шаҳри олов билан қопланди.

“Яшил қитъа”да одатда қишда ҳам вайронакор ўрмон ёнғинлари тез-тез содир бўлиб туради. Айниқса, бундай ҳодисалар йилнинг декабрь-февраль ойларида қузатилади. 2009 йилда 173 нафар инсоннинг ёстиғини қуритган Викториа штатидаги ёнғин мамлакат тарихидаги энг даҳшатли табиий офатлардан саналади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги талаблари кучайтирилди

АҚШда озиқ-овқат саноатини назорат қилувчи янги қондалар кучга кирди. Қузатувчилар фикрича, бу ўтган асрнинг 30-йилларидан бери соҳада қузатилаётган энг катта ижобий ўзгариш.




Янги қоралар ҳар йили бир миллиондан ортиқ одамнинг озиқ-овқатдан захарланишининг олдини олиши қўлтирмоқда. Мазкур қондалар президент Барак Обама Озиқ-овқат хавфсизлигини модернизациялаш ҳақидаги қонунга имзо чекканидан икки йил ўтиб жорий этилмоқда. Бу қонун ижросини таъминлашга қаратилган дастлабки муҳим қадамдир. Эндиликда саноат устидан назоратни амалга оширувчи Озиқ-овқат ва дори-дармон бошқармаси шикоят тушишини кутмасдан, олдиндан эҳтиёт чораларини татбиқ этиш ваколатига эга бўлди. Озиқ-овқат қонуни Америкада юзлаб одамларнинг консервланган ва қадокланган исмалок, ерғоққ мойи каби маҳсулотлардан захарланиши ортдан қабул қилинган эди.

— Қонун шу каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади, — дейди Озиқ-овқат ва дори-дармон бошқармаси вакили Маргарет Гамбург. Янги қондаларга кўра, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар захарланишга олиб бориши мумкин бўлган сабабларни олдиндан аниқлаб, уларга қарши чора кўриши лозим.

Федерал Озиқ-овқат идораси маълумотига кўра, АҚШда истеъмол қилинадиган егуликларнинг 15 фоизи четдан келтирилади. Лекин уларнинг миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хориждан келадиган озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам маҳаллий маҳсулотларга жорий этилган каби бир хил талаблар қўйилиши қонунда тилга олинган. Аммо бу борадаги қондалар хали эълон қилинган йўқ. Янги қондаларнинг қабул қилиниши учун камда бир йил вақт керак бўлади. Улар, аввало, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади, сўнг билдирилган тақлифлар асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ишсизлик бўйича янги рекорд

Еврозонодаги ишсизлик 2012 йилнинг ноябрида 11,8 фоизга етди, деб хабар беради The Financial Times. Ушбу янги рекорд 2011 йилнинг шу даврига таққосланганда 1,2 фоизга кўпдир.




Ишсизлик кенг тарқалган мамлакатлар орасида жанубий Европа мамлакатлари — Греция, Испания, Кипр ва Португалия тилга олинмоқда. Биргина Испанияда 2012 йилнинг ноябрида ишсизлик 26,6 фоизга етган. Умуман олганда, Европа Иттифоқининг 27 мамлакатига 26 миллион киши ишсиз қолган. Бу бутун ишчи кучининг 10,7 фоизи демакдир.

Айни пайтда Еврокомиссия истеъмол ва бизнес муҳити бўйича йиллик сўровни эълон қилди. Таъкидлаш керакики, ҳар икки кўрсаткич иккинчи ойдириги ошганига қарамай, ўтмишдаги ўртача даражадан паст қолганди. Қитъанинг энг йирик иқтисодига эга бўлган мамлақати Германиянинг ташқи савдо айланмаси ноябрь ойида кескин тушиб кетди. Бу эса мамлакат йилнинг тўрттинчи чорагида ҳам иқтисодий тушқунлигини бошидан кечиргани борадаги таҳминларнинг ошишига сабаб бўлди.

Хусусийлаштиришга қарши

Испаниянинг минглаб шифокор ва ҳамширалари касалхоналарнинг хусусийлаштирилиши ва соғлиқни сақлаш ажратилмаган маблагларнинг тежалашига қарши норозилик тарихида Мадрид кўчаларига чиқдилар.



Ҳукуматнинг пойтахтда олти касалхона ва 27 та табиёт марказларини қисқартириш режаси эълон қилинган ноябрдан бери бу каби норозилик чиқишлари тингани йўқ.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 8 мавзесидаги 25-хонадоннинг олди-сотди шартномасига асосан Чилонзор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан 15-1304-сон реестр рақами билан Худайбергенов Руздат номига 1991 йил 4 сентябрда расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

Pharmed sanoat

ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ




Ўзбекистон Республикасининг
барча фуқароларини, юртимиз пинълиги,
сарҳадларимиз дахлсизлиги посбонлари
хисобланмиш ҳарбий хизматчиларини

14 январь ~

Ватан ҳимоячилари кунини

билан самимий муворақбод этади.

Уларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик,
оплаларига осойишталик ва файз-бароқа тилайди.



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ, ДЎСТЛИК ТУМАНИ


“Нурли дон” МЧЖ жамоаси

Юрт пинълиги, эл осойишталиги,
сарҳадларимиз дахлсизлигини
таъминлашдек шарафли ва юксак
масъулиятли ишга муносиб ҳисса
қўшаётган ҳарбий хизматчиларини,
Қуrollи куллариимиз сафидаги
барча юрtdoшларимизни

14 январь —

Ватан ҳимоячилари кунини

билан самимий муворақбод этади.



Бухоро катта спорт байрамига мезбон

Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда енгил атлетика беллашувлари «Бухоро» спорт мажмуасида ўтказилди. Бу муҳташам иншоот ўтган йил бошида халқаро спорт мусобақаларига тайёрлаш мақсадида капитал таъмирланган эди. Галдаги талаба-ёшлар спорт байрамининг ҳам юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида мажмуада йирик ҳажмли электрон табло, замонавий ёриткичлар ўрнатилди, югуриш йўлақларида махсус резина қопламаларни янгилаш, мажмуа атрофини қайта асфальтлаштириш, автоуловлар турар-жойларини таъмирлаш ишларининг ниҳоясига етишига оз фурсат қолди. Шунингдек, вилоят марказидаги «Хумо» ва «Дилқуш» теннис мажмуалари, Бухоро олимпия заҳиралари коллежининг спорт зали, «Семурғ» спорт мажмуаси, «Динамо» спорт зали, Бухоро юқори технологиялари муҳандислик-техника институти очик спорт мажмуаси Универсиадага мос мақомли бўлади. Шунингдек, ҳозирда Бухоро давлат университетида 18х36 метр ўлчамдаги янги спорт зали қурилиши бошланган. Унинг ёнидаги футбол йўнгоҳи, волейбол, баскетбол,



қўл тўғи майдонларидан иборат мажмуа капитал таъмирланиши билан бу ҳудуд ўзига хос спорт марказига айланади. Мусобақа иштирокчиларининг яшаши учун юқорида тилга олиб ўтилган иккита олий ўқув юрти ҳамда Бухоро нефть ва газ санoати касб-хўнар коллежининг жами 2490 ўринли 9 та талабалар турар-жойи биноларини ҳам таъмирлаш ишлари қизғин бoряпти. Қатнашчиларнинг овқатланиши ва маданий дам олишини намунали ташкил этиши билан боғлиқ объектларда ҳам ҳадемай тайёргарлик бошланади.

Бундан ташқари, Универсиада муносабати билан шаҳарни ободонлаштириш ишлари қўлами кенгайди. «Бухоро» халқаро аэропорти ва «Бухоро» темир йўл бекати жойлашган Когон шаҳридан вилоят марказига келадиган йўллар ва ўндан зиёд кўчалар тартибга келтирилади. Бино ва иншоотларнинг олд қисми замонавий қиёфа олади. Шаҳар марказий кўчаларидан ўтувчи умумий узунлиги 20,5 километрдан иборат автомобиль йўллари ҳам қисман таъмирланади. Хиёбон ва қадимий шаҳардаги тарихий обидалар янада чирой оқди.

Албатта, «Универсиада — 2013» мусобақалари мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётида катта воқеа ҳисобланади. Бу спорт байрамини юқори даражада ўтказишга барча бухороликлар ўз ҳиссаларини қўшишни ният қилишган. Яқинда ўтказилган «Универсиада — 2013» хайрия ҳашари бу борадаги фикримизни исботлаб турибди.

Хамро ОҚИЛ,
«Adolat» муҳбири

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс);
Котибият — 288-42-06 (148).

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон ҚўЛДОШЕВ.
Навбатчи — Ғулom ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАПР
КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри,
Чаллопош тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—100. Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 15359. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.45

adolat_gazeta@mail.ru

1 2 3 5

772091521004

Юртимиз пинъ,
осмонимиз ҳаминша
мусаффо бўлсин!

